

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 25-mart, juma

№ 12 (9176)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Инсон қайси мамлакатда, қандай шароит ёки муҳитда туғилганидан қатъи назар, устувор ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Бу ҳуқуқларни ҳамма ҳам эркин амалга ошириш имконига эга бўлмаслиги мумкин. Лекин, барибир, устувор ҳуқуқларни инкор этишга ҳеч қандай асос йўқ. Улар чекланиши ёки унутилиши мумкин, аммо амалга ошиши аниқ. Қайсики давлатда инсон қадри улуғланса, инсон манфаати ҳамма нарсдан устун бўлса, ўша давлатда тараққиёт тезлашади, ривожланиш бўлади.

Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси мазмун-моҳияти ҳақида шу нуктаи назардан мушоҳада юритилса, бу ҳужжат ҳар биримиз учун нақадар қадри ва аҳамиятли экани аён бўлади.

Бугун мамлакатимизда кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар кўрилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, бу ислохотлар замирида, албатта, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари мужассам.

Тараққиёт стратегиясининг бош мақсадларидан бири ҳам инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш масаласи бўлди. Бу борада амалий ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

Кейинги йилларда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган ташаббус асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг фаоллиги сезиларли равишда оша бошлади.

Хусусан, халқ манфаатларини қўлаб қўлиниётган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, энг аввало, умумхалқ муҳофазасига ҳавола этилаётгани, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилаётгани, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-муассадилари ишига аҳоли томонидан билдирилаётган танқидий муносабатлар натижасида қўлаб қамчилик ва муаммолар, қонунбузилиши ҳолатларига чек қўйилмоқда.

Инсон қадри деганда, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинчлиги, муносиб ашаши, малакали тиббий хизмат кўрсатиши, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизимини яратиб бериш тушунилади. Бу мақсадларга эришиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиш, уларнинг ваколатларини янада кенгайтириш лозим бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўлаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш, атроф-муҳит, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.

Маълумотларга кўра, ўтган йили “Давлат дастури ижросида ННТлар иштирокчини қўлаб-қувватлаш” мавзусидаги давлат гранти 1-танловига 238 та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан тақдим этилган 252 та лойиҳа кўриб чиқилди. Қўлаб қилинган грант лойиҳалари маҳаллий ижро органлари билан ижтимоий шерикликда бир қатор йўналишларда амалга оширилмоқда.

Аҳолини манзилли қўлаб-қувватлаш дафтарларига киритилган бир гуруҳ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда ногирон хотин-қизлар ва ёшларни касбга ўқитиш, бандлиги ва муносиб иш ҳақи билан таъминлаш, имконияти чекланган шахслар учун аравачалар, ҳасса, қўлтиқтаёқ ва бошқа асбоб-ускуналарни тузатиш бўйича ижтимоий корхона очилиши, собиқ жангчи-фахрийларнинг оила аъзоларини касб-хунарга ўргатиш, бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳалар жамият ҳаётида акс этапти.

Умуман олганда, кейинги йилларда фуқаролик жамияти институтларини қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмлари мақсадга мувофиқ равишда такомиллаштирилмоқда, кафолатлари мустаҳкамланмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти бўйича қонунчилик сезиларли даражада либераллаштирила бошланди. Хусусан, жамоат ташкилотлари фаолиятини чекловчи бюрократик тўсиқлар олиб ташланди.

ННТларнинг хоризонталли олишида ва улардан фойдаланишида тўсиқлар йўқ. ННТ ва рўйхатдан ўтказувчи орган ўртасидаги тадбирларни мувофиқлаштириш тартиби бекор қилинди. ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи ставкалари 5 бараварга, солиқ юки 2 бараварга камайтирилди. Фуқаролик жамияти институтларига давлат томонидан бериладиган субсидия ва грантлар сўнгги тўрт йил ичида 4 баравар ошди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган беш йил давомида Ўзбекистонда фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Албатта, қўрилаётган чора-тадбирлардан кўзланган мақсад одамларни рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб боришдир. Зотан, бугун одамлар ҳамма ўзгаришларни, дастурларнинг амалдаги ижросини ўз кундалик ҳаётида қуришни истади.

Иномжон ҚУДРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.
ЎЗА



“Чирчиқ” КИМЁ-ИНДУСТРИАЛ ТЕХНОПАРКИ

ФАОЛИЯТИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида “Чирчиқ” кимё-индустиал технопаркиннг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов, Ўзбекистон ва Татаристон вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, кимё ва нефть-кимё саноати вакиллари, тадбиркорлар ва кенг

жамоатчилик вакиллари қатнашди. Дастлаб фахрий меҳмонлар ва тадбир иштирокчилари “Чирчиқ” кимё-индустиал технопарки тақдими, худуди, имкониятлари ва технопарк резидентлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар вакиллари, тадбиркорлар ва кенг

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар наврўз умумхалқ байрами нишонланаётган шу кунларда бу каби ташаббусларнинг амалга оширилаётгани аввало халқларимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)



Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ў.А.) билан суҳбатлар.

И.М.-ФАН

АГРАР СОҲАНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

Маълумки, қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодий-иқтисодий энг залворли ва муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Шу боис ҳам мамлакатимизда соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, кўплаб самарали лойиҳалар жорий этилмоқдаки, бунинг натижасида тармоқ барқарор ривожланиш йўлидан бормоқда. Шу билан бирга республикаимизда об-ҳавонинг турлича бўлиши ҳисобига кузатиладиган турли стресс омиллар таъсирида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг пасайиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Ўтган асрнинг ўрталарида Ўзбекистонда ўсиш кузатилиб, ҳар 10-12 йилда бир марта “аномал” иқлим ҳодисаси кузатилган бўлса, XXI асрга келиб, орадаги фарқ қисқарди. 2009 йилдан бошлаб ҳар икки йилда, 2018 йилдан бошлаб эса ҳар йили кузатилмоқда.

Маълумки, ғўза иссиқсевар экин ҳисобланади. Шунга қарамасдан 2015-2016 ва 2018 йилларда “аномал” иссиқ иқлим сабабли республикаимизнинг иссиқлик ва гариселга мойил минтақаларининг катта майдонларида экилган ғўза ҳосил элементларининг тўқилиб кетиши кузатилди.

Кейинги йилларда ҳаво ҳароратининг кескин қўтарилиши суғориладиган ва лағми ерларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини лимитлайдиган асосий омил бўлиб қолди, десак тўғри бўлади. Маълумки, бугдой озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий элементларидан биридир. Шунинг учун республикаимизда бир неча илмий ташкилотлар фаолият юритмоқда ва натижада юздан ортиқ бугдой навлари Давлат нав синовида ўрганилиб, 72 та нави Давлат реестрига киритилган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кейинги йилларда бугдойнинг иссиқлик, курғоқчилик ва сарик занг касаллигига чидамли навларини яратиш ишлари Жанубий дехқончилик илмий-тадқиқот институти ва Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти хамкорлигида амалга оширилмоқда. Иссиқликка чидамлилик бўйича селекция ишлари замонавий “BINDER” сунъий иссиқлик ва гарисел яратиш климататида наичалаш, бошоқлаш ва дон тўлиш фазаларида ҳаво ҳарорати (35-43°C), ҳавонинг нисбий намлиги (20-14%), иссиқ (гарисел) шамол тезлиги (8-18 м/с) турлича бўлган вариантларда ўстирилиб, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Афсуски, кейинги йилларда юқори ҳарорат кузатилаётган йилларда, сувли ерларда экилаётган бугдой навларининг кўпчилиги иссиқлик таъсирида анчагина ҳосил йўқотмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



Амир ОМОНОВ,
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

“ЯШИЛ МАКОН” КЎЧАТЛАРИ КЎККА БЎЙ ЧЎЗАДИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Риштон туманида навбатдаги пресс-тур ўтказилди. Бундай пресс-турлар туманда тез-тез ўтказиладиган бўлиб қолган. Сабаби, бу бетакорор туманда кейинги йилларда жуда катта ўзгаришлар кишиларнинг кўз ўнгисига содир бўлаёттир.

Президентимизнинг ушбу туманга доир чиқарган икки махсус қарори билан бу ерда қайта қуриш, реконструкция қилиш бўйича давлат дастури тузилиб, иш бошланганига ҳам анча бўлди. Ўтган уч-тўрт йил ичида туман кифоаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қўқон-Фарғона магистрал йўлининг шу туман ичидан ўтган қисми кенгайтирилди, бузилган аҳоли уйлари, нотузар жой бинолари ичкарига сурилди ўрнига 2, 3 қаватли замонавий дизайн асосида кўркам бинолар қурилди.

Риштон деганда энди хунармандлар, тадбиркорлар юрти бошқа ёқда яшаётганларнинг кўз олдига ҳам келадиган бўлди. Туман ҳокими Суфхонжон

Солиев одамларни хушқайфият билан кутиб олади, улар олдига ҳам дадил боради. Қабул кунларини хурсандчилик, хушфеелик билан ўтказди. Узок маҳаллалардан келганлар ҳам ҳоқим билан бемалол диллашади, муаммоларини айтади, талабларини кўяди, илтимоси бўлса тортинмайди. Ҳоқим эса ўша жойнинг ўзида ҳал этиладиган масала бўлса, дарров ҳал қилади. Ёки бирон ташкилот орқали битадиган бўлса, у билан телефонда болганади, муҳлат белгилайди ва масъул ходимлардан ёки ўринбосарларидан бирини назорат қилиш учун бириктиб кўяди. Бундай усул билан бажарилмаган иш қолмайди.

Хунармандчилик, тадбиркорлик

йўналишида бир неча бор пресс-тур ўтказилганда ҳам биз республика газеталари мухбирлари тақлиф қилинган эдик. Туман марказидаги, маҳаллалардаги очилган хунармандлар марказлари фаолият ҳақида яқиндан танишганмиз. Бу сафар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида олиб борилаётган ишлар билан таништириш мақсад қилинган эди. Мазкур тадбирда Риштон туманида фаолият юритаётган журналистлар, блогерлар ва туман экология бўлими ходимлари иштирок этишди.

Пресс-тур қатнашчилари Риштон тумани “Қалайнав” ва “Тўраобод” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Ушбу лойиҳа доирасида Риштон туманида 27 турдаги 1.285 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган.

(Давоми 3-саҳифада)

МАҚСАД АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Агроекономика мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, амалга оширилаётган ишларнинг қонун талабларига нечоғлик мос келаётганини назорат қилиш вазирига юклатилган. Айтиш керакки, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий муҳим ўрин эгаллайди.

Алишер РАШИДОВ,
“Ўзагроинспекция”нинг
Навоий вилояти бошқармаси бошлиги.

Шу боисдан тизимда қонунийликни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада “Ўзагроинспекция”нинг Навоий вилояти бошқармаси ҳамда туман бўлимлари ходимлари томонидан ўтган йил давомида 4697 та мониторинг ўтказилган бўлиб, бу 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баробар кўпдир. Текширишлар давомида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан жами 601 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниб,

118 миллион 398 минг сўмлик маъмурий жарималар қўлланилган, 5867 та корхонага оғоҳлантириш ва 212 та тақдимнома киритилди. Қонуний қарор қабул қилиш учун 563 та материал судларга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Жумладан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш йўналишида 57 та қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 10 миллион 474 минг сўмлик молжавий жарималар қўлланилди. Шу билан 1716 дона қишлоқ хўжалиги, мелiorация ва йўл қурилиши техникалари рўйхатга олинди, трактор ва бошқа ўзи юрар техникаларга 1187 дона давлат рақами белгиси берилди. Мавжуд 4980 дона янги ID техник паспорт, қишлоқ хўжалиги машина ва агрегатларига 1039 дона техник гувоҳнома берилди ҳамда



11 198 дона техника мажбурий техник кўриқдан ўтказилди. Техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, рўйхатдан чиқариш, давлат рақам белгиси, техник паспорт, техник гувоҳнома бериш, мажбурий йиллик техник кўриқдан ўтказиш, тракторчи-машинист

гувоҳномаси бериш хизматлари кўрсатилиши натижасида жами 2 млрд. 130 миллион сўмлик йигим ундирилган бўлиб, шундан 1 млрд. 704 млн. сўми давлат бюджетига йўналтирилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти қайтадан ташкил қилинди

ИЛМ-ФАН

АГРАР СОҲАНИНГ БАҚҚАРОР РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

(Боши 1-саҳифада)

Масалан, республикамиз суғориладиган майдонларнинг асосий қисмига экилган 24 та бугдой нави ҳосилдорлиги апрел-май ойларининг об-ҳавоси қулай келган 2018 йилда 60-75 центнерни ташкил этган бўлса, айнан шу даврда ҳарорат юқори бўлган 2021 йилда 3 та бугдой навининг иссиққа ўртача чидамчилиги кузатилган, қолган 21 та бугдой нави иссиқдан сезиларли даражада зарар кўрган. Албатта, анъанавий селекция усуллари кўп вақт талаб қилади. Бу эса селекция жараёнида қимматли ўзгарувчанлики сезиларли даражада йўқотади.

Ўзбекистонда илк бор "in-vitro" андрогенез қисқа мuddатда гомозигота тизим (ДНК) олишнинг самарали усулини қўллаш бўйича изланишларни амалга ошириш ишлари йўлга қўйилмоқда. Бундан ташқари келгусида иссиқ шароитлар тез-тез қайтарилиб туришини инобатга олиб, биотик ва абютик факторларга табиий шароитда ўта чидамли ҳисобланадиган кўп йиллик ғалласимон экинлардан селекцияда фойдаланишни йўлга қўйиш бугуннинг энг долзарб масаласи бўлиши керак. Айнан шу мақсадда 2017-2021 йиллар давомида Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институтида АҚШнинг Канзас университети ва Россиянинг Омск Давлат университети билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб борилиб, юртимизда биринчи марта кўп йиллик юмшоқ бугдойнинг янги линиялари яратилиб, Ўзбекистон шароитига мос бўлган линиялар танлаб олиниб, Тошкент вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида синовлар ўтказилмоқда. Танлаб олинган линияларнинг илдизи ўта бакуват бўлиб, тупроқда 3-3,5 метр узунликкача ўсади. Илдизнинг 70 фоиз қисми тупроқнинг 30-35 см. қатламида жойлашган бўлиб, иссиқлик, қурғоқчилик ва турли касалликларга ўта чидамли. Бундан ташқари, илдиз тизими деградацияга учраган тупроқлар структурасини яхшилашга ёрдам қилади. Кўп йиллик юмшоқ бугдой линияларининг иссиқлик, қурғоқчилик ва касалликларга ўта чидамлиги инобатга олиниб, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти ва Жа-



нубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтига ҳамкорликда катта ҳажмдаги селекция ишлари амалга оширилмоқда. 2017-2020 йиллар давомида суғориладиган ерлардаги бугдойзорларда ҳар 2-3 йилда занг касаллиги кучли ривожланиб, каттагина зарар etkazмоқда. Маълумки, сариқ занг касаллиги кузатилган йилларда барча ғалла майдонларига зангга қарши фунгицидлар билан ишлов берилди. Бунинг учун каттагина маблағ сарф бўлади. Шунинг учун ҳам ғаллачилик самарадорлигини янада ошириш учун касалликларга чидамли навларни яратиш борасида илмий изланишларни кучайтириш керак. Айни шу йўналишда, яъни сариқ занг касаллигини келтириб чиқарувчи патогенлар споралари кўпайтирилди, лаборатория ва дала шароитида сунъий касаллан-тирлаш майдончада селекция ишлари олиб борилиб, бугунгача бугдойнинг занг касаллигига чидамли 5 та нави яратилди, 2 таси районлаштирилди ва ушбу навлар катта майдонларда экилмоқда.

Озиқ овқат хавфсизлигини таъминлашда кейинги омил бу аҳолини сут ва сут маҳсулотлари ҳамда гўшт билан таъминлашни йўлга қўйишдир. Шу мақсадда республикамизга 2018-2021 йилларда четдан 200 мингдан ортиқ маҳсулдор қорамоллар келтирилиши ҳисобига, аҳолини бу маҳсулотлар билан таъминлаш ишларида ижобий ўзгаришлар бўлди. Кейинги йилларда чорва маҳсулотлари ва мой ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун юқори самарали экинлар майдонини кенгайтириш бўйича каттагина ишлар олиб борилмади. Шу жумладан, Ўсимликлар генетик ресурслари

илмий-тадқиқот институти, Франциянинг "Energy Seed", Туркиянинг "Natural Zemlin" ва "Peyza" компаниялари билан ҳамкорликлар йўлга қўйилиб, макжажхори ва кунгабоқарнинг баҳорда ва ёзда экилиб, юқори ҳосил берадиган 1-авлод дарагайлари ва соянинг эртапишар навлари ўрганилмоқда. 2023 йилдан бошлаб танлаб олинган биринчи авлод дарагайларининг уруғчилиги ташкил қилинади. Бугунги кунга қадар республикамизда экиллаётган барча соя навлари четдан интродукция қилинганлиги ҳисобига, охириги йилларда иссиқлик ва гармселдан катта зарар кўрмоқда. 2020 йилда Сурхондарёнинг иссиқ шароитида бу навлар ҳосилдорлиги 50 т/га бўлса, қолган навлар ҳосилдорлиги 14-19 т/га.ни ташкил этди. Олманинг танлаб олинган навлари пайвандтагари ("М-26", "ММ-111") Ўзбекистон учун янги бўлиб, бугунги кунда 1-2 фойиз майдонда экилган холос. Мевали экинларнинг иссиқликка чидамлиги бўйича танлаб олинган 11 та навнинг кўчатчилиги бошлаб юборилди. Ҳар қандай экин ме-

валарининг кимёвий таркиби нав хусусиятларидан ташқари, кўп жиҳатдан метеорологик шароит ва уларнинг ўсиш ҳудудига боғлиқ. Шу билан бирга, изланишлар натижасида аскорбин ва органик кислоталарнинг таркиби жанубдан кўллаб маҳаллий навлар яратилган. Бугунги кунда Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтида узуминг янги навларини яратиш устида илмий ишлар олиб борилмади. 2021 йил маълумотлари бўйича республикамизда районлаштирилган 50 та узум навининг 19 таси хўраки, 19 таси техник ва 12 таси кишишибон навларни ташкил этади. Районлаштирилган узумнинг винобоп 19 та навининг иссиқликка чидамлиги ва юқори ҳароратнинг вино сифатига таъсири ўрганилганда, 14 навнинг қанд миқдори юқори (23,5-24,0%), титр кислота миқдори (ласт) ва таъм сифатининг пастлиги (3,5 балл) аниқланди. Бундай кўрсаткичли винобоп узум навлар виносини Европа давлатлари ва Россияга юқори нархларда экспорт қилиш талабига жавоб берадими. Яъни, бу навлардан олинган вино нархлари кескин паст бўлди. Ўрганилган 5 та узум нави виносининг биокимёвий кўрсаткичлари эса иссиқ шароитда ҳам аъло бўлиб, бу навлар виноси юқори нархларда экспорт қилиш талабларига жа-

воб беради. Танлаб олинган 5 та узум нави кўчатчилиги алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги ва Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти ҳамкорликда Тошкент вилоятида олиб борилмади.

"ЧИРЧИҚ" КИМЁ-ИНДУСТРИАЛ ТЕХНОПАРКИ ФАОЛИЯТИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Президентимизнинг 2022 йил 3 февралдаги "Тошкент вилоятида "Чирчиқ" кимё-индустриал технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ амалга оширилган ушбу саяёҳаракатлар ҳудудда кулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларга рақобатбардор маҳсулотларни etkazиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Шундан сўнг рамзий тугма босилиб, "Чирчиқ" кимё-индустриал технопарки фаолиятига расман старт берилди. Икки давлат ишбилармонлари ва мастуллари томонидан технопарк ҳудудда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Таъкидлаш лозимки, технопаркнинг умумий майдони 31,22 гектар бўлиб, биринчи босқичда 14 та корхона фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу ерда 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Технопарк тўлиқ ишга тушиши натижасида 2 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилади ва йилга 15 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинади.

Бунинг учун Россия, Германия, Корея, Туркия, Хитой каби дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатидан олиб келинадиган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Эътиборлиси, барча саноат тармоқлари экологик талабларга жавоб беради. Саноат ва маъмурий бинолар, омборхоналар зарур муҳандислик инфратузилмаси билан таъминланади.

Барча мажмуаларни бунёд этиш учун 30 миллион доллар миқдорда маблағ сарфланади.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.

СОВУҚ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА БОҒБОНЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШИ КЕРАК?

Қишлоқ хўжалиги вазири берган илмий таъминотларга кўра, об-ҳаводаги айни ўзгаришларнинг мевали боғ ва узумзорларга салбий таъсири олддини олиш ва гуллаган дарахтларни ҳимоялаш мақсадида қуйидаги тадбирларни зудлик билан амалга ошириш лозим:

Мевали боғ-тоқорларнинг қатор ораларидан суғориш ариқлари олиниб, иложи борича кам миқдорда сув оқизилади, қатор ораларига гўн аралаш хашак, лохол, шох-шаббалар уюмларини тўплаб, улар тугатилади. Бунинг учун боғ ва тоқорларга бир текисда эни 1,25-1,5 м., баланглиги 0,5-0,75 м.дан тўп-тўп қилиб уюм қўйилади.

Дарахтларнинг ёши ва қалин, сийрақлигига қараб ҳар бир гектарда 100-200 та уюм ҳосил қилиш керак.

Ўз мухбиримиз.

МАҚСАД АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИгини ТАЪМИНЛАШ

(Боши 1-саҳифада)

"Ўзагроинспекция" раҳбариятининг амалий ёрдами билан инспекциянинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлиmlарига 20 млн. сўмлик 1 комплекти пластик шақлдаги техник ҳужжатларни расмийлаштиришда иштирокчилардан махсус ортгемма воситалари etkazиб берилди. Шу билан бирга инспекторларга қулай шароит яратиш мақсадида Хатирчи ва Навбахор туманлари маъмурий бинолари 235 млн. сўмга капитал таъмирланди.

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг етиштирилишини назорат қилиш соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Вилоятда уруғчилик йўналиши бўйича жами 290 та назорат субъекти мавжуд. Қишлоқ хўжалигида уруғлик етиштириш ва уни сифатли тайёрлаш келгуси ҳосилнинг гарови эканлиги ҳаммамизга маълум. Бу соҳада вилоят ва туман инспекторлари томонидан 2021 йил давомида жами 856 та назорат тадбири ўтказилди, шундан тегишлилар 114 та, мониторинг ўрганиш-



лар 742 та ҳамда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 559 тани ташкил этади.

Пахта хомашёси, дон, уруғлар ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардан фойдаланишни назорат қилиш соҳасида эса вилоятда жами 16 та назорат субъекти мавжуд бўлиб, шундан 2 тасини пахта тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари, 2 тасини "Ўздонмаҳсулот"га қарашли корхоналар, 3 тасини ёғ-мой корхоналари ва 9 тасини дон кластерлари ташкил қилади. Инспекторлар томонидан ўт-

ган йил якунига қадар жами 459 та назорат тадбири ўтказилган бўлиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 234 тани ташкил этган.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирлар ўтказилиши муҳим ва долзарб масалалардан ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда 873 фермер хўжаликлари ва 14 та кластерлар фаолият юритмоқда. Қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирлар устидан назорат қилиш соҳасида вилоят ва туман инспекторлари томонидан 2021 йил якунига қадар жами 1123 та назорат тадбирлари ўтказилган бўлиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 474 тани ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги техникаси ҳолатини назорат қилиш соҳасида вилоятда 13 минг 765 дона қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг тўлиқ электрон базаси шакллантирилди. Мавжуд техникаларнинг 11 мингга яқинига янги на-

мунадаги ID техник паспортлар берилди. Инспекциянинг Комимех, Томди, Нурота ва Учқудуқ туманлари бўлиmlари

томонидан барча техникаларига тўлиқ ID техник паспортлар берилиши таъминланди. Вилоятда техника йўналиши бўйича 1681 та юридик шахс назорат субъектлари мавжуд бўлиб, шундан 51 та давлат ташкилоти ва 1630 та тадбиркорлик субъектларини ташкил этади. Бундан ташқари, чорвачиликда наслчилик ишини назорат қилиш, меъёрий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, сертификатлаш ва метрология соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Жорий йилда ҳам бу бордаги назорат тадбирларини мунтазам ва сифатли ташкил этишга аҳамият қаратганмиз.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган икки ойи давомида мингдан зиёд назорат тадбирлари ўтказилиб, мингдан ортиқ қонунбузилишлар аниқланди. Фаолиятимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунчиликни, қонун устуворлигини, меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, инспекция раҳбарияти томонидан берилган топшириқ ва вазифаларни ўз мuddатда, тўлақонли ҳамда сифатли бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Асосий мақсадимиз, сифатли назорат тадбирлари натижасида самарадорликка эришиш, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожига муносиб ҳисса қўйишдир.

"ЎЗАГРОИНСПЕКЦИЯ"НИНГ НАВОЙ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ жамоаси

барча юртдошларимизни янгилини ва яшариш айёми - НАВРЎЗ БАЙРАМИ билан муборакбод этади. Шарқона янги йил барча хонадонга бахту саодат, тўқинлик ва кут-баракат олиб келсин, дея ният бўлдиради. Наврўзи олам муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



Дилсора АБДУМАЖИДОВА,
Яккасарой тумани ФВБ ЁН ва ПБ мутахассиси,
катта сержант.



Қалайнав маҳалласида яшовчи онахон Умра сафари учун тўплаб юрган пулларига 4 минг туп манзарали дарахт кўчатларини олиб берди

Азиз Ватандошлар!

“ЎЗДОНМАҲСУЛОТ”

Акциядорлик Компанияси жамоаси

Сизларни юртимизга олам-олам қувончу шодликлар билан кириб келган –

Наврўз байрами

билан чин қалбдан муборакбод этади.
Янги-янги марралар сари руҳлантираётган айни шу илҳомбахш лаҳзалардаги хуш кайфият барчангизга доимо ҳамроҳ бўлсин!

Ҳамжиҳатликда ўз олдимизга қўйган улуғвор мақсадлар йўлидан собитқадамлик билан дадил одимлайверайлик!
Илоҳим, инсон қадри улуғланган жонажон юртимиз доимо тинч, халқимиз омон, толеимиз баланд бўлсин!




“ЯШИЛ МАКОН” КЎЧАТЛАРИ КЎККА БЎЙ ЧЎЗАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Шу лойиҳани амалга ошириш мақсадида маҳаллаларда ҳам кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Қалайнав маҳалласида яшовчи бир онахон Умра сафари учун тўплаб юрган пуллари эвазига 4 минг туп манзарали дарахт (асосан инсон саломатлиги учун ўзидан кўп миқдорда кислород чиқарадиган арча, сасна) кўчатлари олиб берди. Кўчатлар маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва бошқа мутасаддилар иштирокида ҳашар йўли билан экилди. Бугун ушбу маҳалланинг қайси кўчасига қирманг, чирой очиб турган манзарали дарахтларнинг гувоҳига айланасиз. Пресс-тур иштирокчилари ушбу жараёнлар билан танишар эканлар, кўчат экишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

– Бизда халқимизнинг қадимдан давом этиб келаётган анъаналари сақланиб қолган, – дейди “Қалайнав” МФЙ раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Сурайё Махмудова. – Аёлларимиз кўни-кўшиларига, йўлдан ўтаётган кишиларга чалпақ қилиб тарқатяптилар. Бу ҳам саховатлиликнинг бир нишонасидир. Бир онахонимизнинг муборак Ҳаж сафарига бориш учун йигиб юрган маблағини сарфлаб йўл ёқаларига, ариқлар лабига экиш учун арча олиб бериши ҳаммани лол қолдирди. Яна у киши менинг номим-

ни ошкор қилманглар деганичи. Чап кўлинг берганин унғ кўлинг билмасин, деган Ҳадиси шариф бор экан. Шунга амал қилган онахонга умр тилаб, биз ҳам дуолар қилдик...

Шундан кейин ОАВ ҳодимлари Тўрабод маҳалласида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида олиб борилаётган ишларни кўздан кечиришди. Айтиш жоизки, бу ерда фаолият олиб бораётган ҳоким ёрдамчиси Сарвар Азимов ва маҳалла раиси Қамбарали Мелибоевлар ташаббуси билан ушбу маҳаллага 4 минг тупдан зиёд манзарали дарахтлар олиб келинди ва жамоатчилик ёрдамида экилиб, парвариш қилинди.

– Маҳаллаимизда яшаётган аҳолининг асосий қисми тадбиркорлик билан шуғулланади, – дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Сарвар Азимов. – Хонадонларда ҳам хотин-қизлар чинни буюмларга зар чизиш ишларини бажаряптилар. Ҳар кун фуқаролар йиғини бўйича бир неча машинада кўшни Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон давлатларига чинни буюмлари экспорт қилиняпти. Аҳоли хонадонларида Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланди. Ҳозиргача йўл бўйларига 4 минг туп манзарали, томорқаларга 1000 туп мевали дарахт кўчатлари экидик. Яна 2 минг туп мевали дарахт экишни мўлжаллаб турибмиз.

Пресс-тур иштирокчилари бир неча хонадонда бўлиб тадбиркорларнинг ишлари билан танишдилар. Маҳаллаларнинг қайси кўчасига қирманг, чирой очиб турган манзарали дарахтлардан завқ оласиз. Бу кўрганларимиз катта магистрал йўлдан сал ичкарироқда жойлашган маҳаллаларда бўлган воқеалар эди. Асосий йўллардаги манзаралар бундан ҳам кўркам, яхши ва дилтортарлигини айтмаса ҳам бўлади.

– Риштон туманида қадим-қадимдан йирик ўрик дарахтлари устирилади, – дейди туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Аббор Деҳқонов. – Ўтган йили ўрик гуллаганда тўхтовсиз 3-4 кун ёмғир ёқгани натижасида гуллар ўрага айлана олмади. Жорий йилда бу умрбоқий дарахтдан умидимиз катта. Риштоннинг оқ қандақ, муллаҳанди, субҳоний, хасаки, ялтироқ, pistaқандақ, мулла гадоий каби ўрикларига етадиган юракни бақувват қилувчи неъматлари бошқа ерда йўқлиги кўпчиликлари маълум. Чунки бу ўриклар Риштон туманининг соз тупроқли ерларидагина бўлади. Туманининг юқори қисмидаги хонадонларда, фермер хўжалиқларида ўрикларни кўпайтириш чоралари кўриляпти. Дашт йўлларига, ариқлар қирғоқларига ҳам ўрик кўчатлари экилмоқда.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

О‘ЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ НЕЧА MAROTABA RO‘YXATGA OLINGAN?

O‘zbekiston hududida dastlabki aholi ro‘yxati 1897 yilda o‘tkazilgan va o‘shanda aholi soni 3,9 million kishini tashkil qilgan.

Ushbu ro‘yxatga olishda XIX asr oxirida mamlakatdagi oilalar, aholi soni, yoshi va jinsi, etnik tarkibi, tug‘ilish, o‘lim kabi demografik jarayonlar qamrab olingan. Keyinchalik O‘zbekiston hududida 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 va 1989 yillarda aholini ro‘yxatga olish tadbirlari o‘tkazilgan. Ammo Mustaqillik yillarida respublikamizda aholini ro‘yxatga olish tadbirlari o‘tkazilmagan.

Mustaqillikdan so‘ng respublikamizda aholini ro‘yxatga olish tadbiri birinchi marta 2023 yilda bo‘lib o‘tadi va har 10 yilda amalga oshiriladi.

Aholini ro‘yxatga olishning huquqiy asosi bo‘lib, 2020-yil 16-martda qabul qilingan “Aholini ro‘yxatga olish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining Qonuni xizmat qiladi. Mazkur qonun aholini ro‘yxatga olish bo‘yicha mustaqillik yillarida qabul qilingan ilk qonun bo‘lib, sohadagi munosabatlarni tartibga soladi.

Mazkur tadbirda ishtirok etish fuqaroning ijtimoiy burchidir.

SH.NORQULOV,

Yashnobod tumani statistika bo‘limi boshlig‘i.

Кутлов

Қадрли ҳамюртлар!

“ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЙЎЛЛАРДАН МУНТАЗАМ ФЙДАЛАНИШ”

корхонаси жамоаси

барчангизни эзгулик, меҳр-оқибат байрами –

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизга омад ёр бўлишини тилайди.

Маълумки, байрам муносабати билан ташкил этиладиган сайиллар, кўнгилочар тадбирлар, ушбу хурсандчилик дамларидаги самимий тилаклар дилларни дилларга яқинлаштиради. Аразу гиналар унутилади, муҳтожлар ҳолидан хабар олиниб, кўплаб хайрли ишларга қўл урилади. Ушбу фараҳбахш дамларда барчангизни қутлуғ айём билан табриклаш бизга чексиз қувонч, мамнунлик бағишлайди. Доимо дастурхонларингиз тўкин бўлсин, хонадонларингиздан файзу барака аримасин, азизлар!



НОРИН-ҚОРАДАРЁ

ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларимизни

бўтин борлиққа қўғоним, янгилашим руҳини

олиб келган баҳор фаслининг муаззам шодийнаси –

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

билан муборакбод этади.

Мамлакатимиз афрар ва сўв хўжалиги тизимида

олиб борилаётган изчил ислохотлар

натijasида ҳаётимиз янада фаровон,

эришяётган ютуқларимиз барқавом бўлаверсин.

Юртимиздаги тўкинлигү хонадонларимиздаги файзу

баракага, ҳамжиҳатлигимиз,

тинчлик ва осойишталигимизга кўз тегмасин!



Эълон

Шаҳрисабз Туризм ва маиший хизмат кўрсатиш (Шаҳрисабз Озёк-овқат ва маиший хизмат кўрсатиш) касб-хунар коллежи томонидан 2019 йилда Омонов Шаҳобиддин Фахриддин ўғли номига берилган К № 5469187 (рўйхат рақами 37) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“PROPERTY SYSTEM” МЧК (СТИР 305 120 091) устав жамғармаси 370 066 000 сумдан 7 847 934 сум 87 тийинга камайитриляётганини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Асалобод 2-мавзеси, 3-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Байрам муборак бўлсин!

АТОМАГИСТРАЛЬ ИЙЎҚТБ МЕХНАТ ЖАМОАСИ

*яратиш, яинатиш ва бунёдкорлик йўлида
ҳамжихатликда меҳнат қилаётган юртдошларимизни
ва тизимда фаолият олиб бораётган
ҳамкасбларимизни*
Наврўз айёми
*билан табриклар, доимо ишлари барорли,
дастурхонлари тўкин-сочин, хонадонлари файзли
бўлишини тилайди.*

*Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва
осойишталик ҳамиша барқарор,
ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!*

Аму-Қашқадарё

ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ
МЕХНАТ ЖАМОАСИ

*эл маъмурчилиги йўлида фаоллик кўрсатиб
меҳнат қилаётган миришкор деҳқонлар,
боғбону соҳибкорларни ва тизимда меҳнат
қилаётган барча ҳамкасбларини,*
Наврўз
*умумхалқ байрами билан қизгин
табриклайди. Жамики эзгу орзу-
истакларингиз рўёбга чиқиб, бошлаган
ишларингиз хайрли бўлишини тилаймиз.*

*Юртимизни обод ва файзли гўшага айлантириш
истагида астойдил меҳнат қилаётган
ватандошларимизга куч-қувват, тинчлик-
хотиржамлик, хушқайфият ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.*

ҚУЙИ ЗАРАФШОН

ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси

*юртдошларимизни,
шу жумладан, тизимда
меҳнат қилаётган
ҳамкасбларини
она диёримизнинг
бепоён сарҳадлари узра
гўзал сеп ёйган баҳор
фаслининг қадимий ва улугвор
айёми муносабати билан
қизгин муборакбод этади.
Халқимизга хос самимийлик,
меҳр-оқибат ва бағрикенглик
фазилатлари барчамизга
мудом ёр бўлсин.
Эзгу орзуларимиз ижобати,
бошлаган хайрли ишларимиз
рўёби ва роҳатини кўриши
бахти барчамизга насиб
қилаверсин!*

ХОРАЗМ АВТОЙЎЛ

худудий йўллардан фойдаланиш корхонаси жамоаси

*Барча юртдошларимизни янгиликнинг ва яшарниш фасли
бахор ҳамда қадимий ва мўътабар айём –*
Наврўзи олам
*муносабати билан самимий муборакбод этади.
Янги Ўзбекистонимизнинг нуфли келажаги йўлидаги
содий-ҳаракатларимиз барорли, меҳнат ютуқларимиз
барқавом, эл-юрт олдида юзимиз доимо ёнғи бўлаверсин.
Қалбдаги жўшқинлик, эртанги кунга
бўлган имончи асло сусаймасин.*

Наврўз муборак, азизлар!